

(13691) 22-сон- ШАРТНОМА ЛОЙИҲАСИ

Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиши тўғрисида

ШАРТНОМАСИ

Андижон шахар

2022йил “5” апрель

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган “Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъминалаш ҳамда иссиклик таъминоти обьектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси”ДУК Андижон вилояти худудий филиали номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари А.Мирзабоев бир томондан ва кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритиладиган “Бўстон меъмор” МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи А.Хакимов иккинчи томондан “Андижон вилояти худудидаги кўп хонадонли уйларни туташ худудларини ободонлаштириш” обьектига доир мазкур шартномасини туздилар.

I. Шартнома предмети

1. Бажарувчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ “Андижон вилояти худудидаги кўп хонадонли уйларни туташ худудларини ободонлаштириш” ишларига (туманлар кесимида) лойиха-смета хужжатларини тайёрлаб ижобий экспертиза хулосаси олиб бериш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Бажарувчига ишларини бажариш учун зарур нуқсон далолатномасини тақдим этади, ишларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

2. Мазкур шартнома бўйича Бажарувчи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (**2022 йил “01” апрелдаги «58603 » электрон баённомаси**) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча соликлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда (ККС сиз) 81530,000 (саксон бир миллион беш юз ўттизминг) сўмни ташкил этади.

3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

Иш ҳажми қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажкор) ҳолати сабаб бўлгандан;

ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

III. Бажарувчи ва Буюртмачининг мажбуриятлари

5. Агар ишнинг бажарилиши давомида салбий натижага эришилиши аниқланган тақдирда барча ишларни тўхтатиб, холат тўғрисида уч кунлик муддат ичida Буюртмачини хабардор қилиш;

6. Буюртмачидан маълумотлар олган тақдирда Бажарувчи томонидан ушбу маълумотларни маълум қиласлика ва Буюртмачининг руҳсатисиз учинчи шахсларга бермаслик;

7. «Бажарувчи» ишни сифатли бажариши, хужжатларни барча илмий техникавий ва иктисодий талабларга ва меъёrlарга, Ўзбекистон Республикаси ўрнатилган барча конунларга риоя этилган ҳолда бажаришга;

8. Бажарувчи томонидан Буюртмачининг барча кўрсатмаларини бажариш ва бажарилаётган ишлар тўғрисида талаб қилинган вактда ахборот бериш туриш;

9. Бажарувчи томонидан смета хужжатларини экспертиза органларида химоя қилишда иштирок этиш.

10. Буюртмачи ишлар бажарилиши устидан доимий назорат ва мазкур шартномада кайд этилган Бажарувчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Бажарувчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

11. Шартнома талабларига кўра аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш.

IV. Ишларни бажариш муддати

12. Бажарувчи мазкур шартномага мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади. Ишларнинг бошланиши 2022 йил ____ апрел, тугатилиши 2021 йил 31 декабр Пудрат шартномаси амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабрь.

13. Танлов натижаси бўйича аниқланган ишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан **15** ни ташкил этади.

V. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буюртмачи Бажарувчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30% миқдорида, аванс ўтказади, бу 24459,000(йигирма тўрт миллион тўрт юз эллик тўқиз минг) сўмни ташкил этади.

15. Бажарилган ишлар учун шартномавий жорий қийматининг қолган кисми Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб ишлар тугаллангандан кейин ва ишлар белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин тўлиқ хажмда амалга оширилади:

16. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Бажарувчи бу ҳакда қонун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш хукукига эгадир. Бундан Буюртмачи Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳак тўлашдан озод қилинмайди.

VI. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

17. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсири этса, томонлар бундай кисман ёки тўлиқ бажариласлик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вактда мутаносиб равиша узайтирилади.

18. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вактда чўзилса, у ҳолда Бажарувчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини мухокама қиладилар.

19. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

VII. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

20. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган заарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошқа қонун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарлика тортилади.

21. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштиргмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Бажарувчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0.5 % миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 5 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни қоплашдан озод этмайди.

22. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равиша бош тортилганлиги учун Буюртмачи Бажарувчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг 0.5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

23. Бажарувчи объекtnи ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг

бажарилмаган кисмининг 0.5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий кийматининг 5 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Бажарувчи буюртмачига муддати ўtkазиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0.5 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 5 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Бажарувчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод этмайди

24. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган заарларни қоплайди.

25. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

VIII. Низоларни ҳал этиш тартиби

26. Шартномани бажаришда ва бекор килишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

IX. Алоҳида шартлар

27. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

28. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва кўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

29. Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага кўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

30. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

31. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилади.

XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

Буюртмачи:

“Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти обьектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Андижон вилояти ҳудудий филиали

Андижон шаҳар, Ломоносов кўчаси 2-үй Ш/Х 100021860034017069902110040

ИНН : 307 905 093

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги
Фазналиги

Банк: МБ ББ ХКМ Тошкент

Х/Р 23402000300100001010


МФО: 00014

ИНН : 201122919

Индекс: 170132

Рахбар: А.Мирзабоев

М.У. (имзо)



Бажарувчи:

“Бўстон меъмор” МЧЖ

Андижон шаҳар А.Новоийшох 100/102-үй

Банк: Хамкор банк Шахрихон филиали

Х/Р: 20 20 80 00 60 47 22 22 90 01

МФО: 00039

ИНН: 307 153 058

Индекс: 170100

А.Хакимов



YURIDIK XULOSA

OZBEKISTON RESPUBLIKASI "XOJA YALIK YURITUVCHI
SUBJETLAR FOLIYATINING SHARTNOMAVIY HUQUQI
BAZASI" TOG'RISSDAGI QONUNING 21-MODASIGA
BUNON USHBU SHARTNOMA HUQUQI ESSENTIZI DAN OTKAZILDI,
MAZKUR SHARTNOMA AMALIAGI QONINCHILIK
HUJJATLARI TALABALANGA MUVOFQI TUZILGAN.